

**ФАН ВА ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ОРҚАЛИ МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
ИМКОНИАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

*Абдиева Фазилат Файзулла қизи
Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси*

Аннотация: Инсон табиат маҳсулидир. Инсонни табиат яратган, камол топтирган. Шундай экан, биз табиатни эъзозлашимиз, унга тўғри муносабатда бўлиб, табиатни яна ҳам кўркамлигига, абадийлигига ўз хиссамизни қўшишимиз зарур. Ёш болаларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялаш турли омиллар асосида амалга оширилади. Бунинг энг самаралиси мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништиришдир. Сабаби инсон гўдаклигиданоқ, табиат қўйнида ўсади, улғаяди камол топади. Болани гўдаклигидан бошлаб табиатдан завқ олишга, табиатга нисбатан тўғри муносабатда бўлишга ўргатиб боришимиз зарур.

Калит сўзлар: Табиат, мактабгача таълим, инсон, гўдаклик, ташкилот, интеллектуал, фан, самара

**ФОРМИРОВАНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ДЕТЕЙ
ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА ЧЕРЕЗ ПРИОБЩЕНИЕ К НАУКЕ И ПРИРОДЕ**

Аннотация: Человек-продукт природы. Человек создан природой, созрел. Так что, мы должны беречь природу, относиться к ней правильно и вносит свой вклад в ее еще большее величие, вечность. Всестороннее созревание и воспитание маленьких детей происходит на основе различных факторов. Наиболее эффективным из них является приобщение дошкольников к природе. Причина в том, что человек с младенчества, на лоне природы растет, взрослеет и взрослеет. Необходимо с младенчества приучать ребенка наслаждаться природой, правильно относиться к природе.

Ключевые слова: Природа, дошкольное образование, человек, младенчество, организатсия, интеллект, наука, эффективность

**FORMATION OF INTELLECTUAL CAPABILITIES OF PRESCHOOL
CHILDREN BY INTRODUCING THEM TO SCIENCE AND NATURE**

Annotation: Man is a product of nature. Man was created by nature, perfected. So it is, it is necessary that we honor nature, treat it with the right attitude and contribute to the even more splendor, eternity of nature. Comprehensive education and upbringing

of young children is carried out on the basis of various factors. The most effective of this is to introduce preschool children to nature. The reason is that from infancy, a person grows up, grows up in the bosom of nature. It is necessary that we teach the child from infancy to enjoy nature, to have the right attitude towards nature.

Key words: Nature, Preschool Education, man, infancy, organization, intellectual, science, efficiency

Ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири экологик муаммодир. Шу сабабдан ҳам болалар боғчаларида ҳам экологик таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор берилмоқда. Табиат билан таништириш методика фанида талабаларга экологик таълим-тарбия бериш усуллари, «Қизил китоб» ҳақида қисқача маълумот ва «Қизил китоб»га киритилган, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида ҳам билим беришга катта ўрин берилган.

Шуниндек, талабалар болалар боқчасилаги болаларни табиат билан таништириш соҳасидаги янги тажрибаларни ҳам ўрганиб олишлари зарур. Буни улар ўша боғчаларда амалиётда бўлган даврларида ўрганадилар. Болаларни табиат қонун-қоидалари билан таништиришнинг аҳамияти шундаки, уларнинг тўғри ўсиб улғайишига, табиатда бўладиган воқеа-ҳодисаларни илмий асосда тушунишга олиб келади. Бу боланинг шаклланишида, табиатга, она-Ватанга, табиат бойликларига бўлган меҳр-муҳаббатни оширади. Дарҳақиқат, табиатни муҳофаза қилиш айрим кишиларнинг иши деб қаралмасдан барчамизнинг ишимиз эканлиги ҳоитрадан чиқармаслигимиз керак. Боғча ёғадаги болаларнинг ҳар томонлама камол топишида табиат билан таништиришнинг ўзига хос тарбиявий хусусиятлари бор. Бу жараён турли воситалар, методлар орқали амалга оширилади.

Болаларни табиат билан таништириш методикаси боғча шароитида хилма-хил бўлиб бунда болаларнинг хусусиятлари, табиат ҳақидаги тушунчаси ҳисобга олиниб, элементар тушунчалардан тортиб, болаларга мос энг мураккаб табиат ҳақидаги тушунчаларни ва табиатда бўладиган воқеа-ҳодисаларни билиб олишга ўргатади. Мактабгача тарбия муассасаларида болаларни табиат билан таништириш методикасининг ана шундай ўзига хос шакллари билан чегараланмасдан, мавжуд ўзгартириш, янги иш шакллари ишлаб чиқиш, ҳаёт тажрибаларини умумлаштириб ҳар бир тарбиячи ўзининг яшайдиган муҳити, шароитига мос усулларни топиб амалда қўллашлари керак. Ҳар бир тарбиячи ижодий изланувчан, кузатувчан, табиатдан илҳом оладиган ҳаётда дадил қадам ташлайдиган бўлиши керак Бугунги талаба - эртанги мутахассис. Шундай экан ҳозирги талабаларга қўйилаётган талаб янада каттадир. Чунки ҳаётимиз доимо ривожланишда, фан-техника, таълим-тарбия соҳасида янги-янги кирралар очилмоқда.

Табиат воситасида ахлоқий тарбия бериш учун боғча участкаларига экилган экинни парвариш қилиш, гулларнинг ҳар бир гулни ниҳолни асраш, уни парвариш қилиш, гулларни тагини юмшатиш, суғориш каби ишларни бажариш жараёнида амалга ошириш мумкин. Болаларни боғча майдончасида, табиат бурчагида, ўсимлик ёки хайвонни таништириш жараёнини ташкил этиш керак бунда тарбия таништиришни қизиқарли жонли шароитга боғлаб болаларнинг эътиборини ўзига ром этиб ташкил этиш керак. Табиат воситасида болаларга ахлоқий тарбия беришнинг йўллари жуда кўп ва хилма-хил. Ёшларга нафосат тарбиясини беришдан мақсад шахснинг дидини, гўзалликни ҳис этиб доимо унга интилиб яшаш хислатини таркиб топтиришдир. Чиндан ҳам табиатни унинг гўзал манзараларини тоғ роғларни севмаган ундан роҳатланмаган киши бўлмаса керак. Гулларнинг, меваларнинг ҳиди, шакли ва ранги, қушларнинг сайраши, ариқлардан сувларнинг шилдираб оқиши, оёқ остидаги қорнинг ғижирлаши - буларнинг барчаси балаларда табиатдаги нарса ва ходисаларни ҳис қилишга имкон беради ва уларда эстетик ҳиссиётни тарбиялаш ва ўстириш учун бой материал бўлиб хизмат қилади. Маълумки, ёш болалар чиройли, ёрқин, ранг, предметларни яхши кўрадилар. Гўзаллик хавас, қизиқиш ҳар бир бола онгида мавжуд. Биз бола онгидаги фикридаги ана шу қизиқишни ривожлантиришимиз зарар. Бунда асосий восита ролини табиат ойнайди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг табиат воситасида нафосат тарбиясини истаган фаслда амалга ошириш мумкин. Мактабгача ёшдаги болаларга меҳнат тарбиясини бериш уларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш меҳнатга бўлган қизиқишларини ошириш, катталар яратган меҳнат маҳсулини эъзозлаш, унинг қадрига этиш руҳида тарбиялашни болалик давридан бошлаши лозим. Болаларнинг меҳнат тарбияси бурчагида улзорда, ўсимликлар ва хайвонларни парваришлаш жараёнида амалга оширилади. Меҳнат тарбияси ҳар бир гуруҳнинг ёш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Тўхтаев, А.Хамидов. Экология. Т.. "Ўқитувчи", 1994 йил.
2. П.Г.Самарукова. Мактабгача тарбия ёшдаги болаларни табиат билан таништириш. Т., "Ўқитувчи", 1984йил.
3. Н.Ф.Виноградова. Умственное воспитание детей в процессе ознакомления с природой. М. "Просвещение". 1982 г.
4. У Ёзиева, Ф Абдиева Мактабгача таълим ташкилоти самарадорлигини оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш муаммолари Общество и инновации 2 (11/С), 111-114

5. Ф Абдиева МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Сиенсе анд инноватион 1 (Б8), 2154-2156

6. ФФ қизи Абдиева МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ РАЎБАРИНИНГ БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ИНТЕРНАЦИОНАЛ СОУФЕРЕНСЕС 1 (2), 397-400

7. Akramova, D. (2022). Oliy ta'lim muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. *Science and innovation*, 1(B8), 2150-2153.

8. Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MECHANIZIMLARINI RIVOJLANTIRISH TEHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. *PEDAGOGS* jurnali, 26(1), 13-17.